



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 14 сентябрь, № 190 (7148)


Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛАРУСЬ:

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР ДАВРИ



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко

12 сентябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 13 сентябрь куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко тор доирада учрашув ўтказди.

Президентимиз олий мартабали меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон ва Беларусь самимий дўст ва ишончли шерик эканини таъкидлади.

— 2016 йили Самарқанддаги учрашувимизда давлатлараро муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга келишиб олган эдик. Ўтган икки йилда ҳамкорлигимиз жадал суръатда ривожланди. 2017 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 60 фоиз-

дан зиёд ўсди. Жорий йил январь — июль ойларида эса бу борадаги кўрсаткич қарийб 4 баробар ошди. Бу ҳамкорлигимизда катта салоҳият мавжудлигидан далолат беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Беларусь Президенти таклиф учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

— Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор, — деди Александр Лукашенко. — Ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда кенг миқёсдаги ўзгаришларни амалга оширишда ўзаро манфаатли барча соҳада ҳамкорлик қилишга, тажриба алмашишга тайёرمىз. Бугунги кунда Ўзбекистон

билан Беларусь ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва шериклик руҳида ривожланмоқда. Ўтган йиллар давомида мамлакатларимиз икки ва кўп томонлама асосда мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Халқларимизнинг дўстлиги ва яқинлиги ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ва мамлакатларимизнинг турли халқаро тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашга мустаҳкам асос бўлмоқда.

Президентлар икки томонлама ҳамкорликка доир кенг қўламли масалаларни муҳокама қилиб, мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлашга, турли соҳалардаги амалий ҳамкорликни изчил ривожлантиришга келишиб олдилар.

Расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган таркибда ўтказилган музокарада Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш ва янада кенгайтириш, икки мамлакат иқтисодиётининг бир-бирини тўлдиришини ҳисобга олган ҳолда, шерикликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон — Беларусь ўртасидаги алоқалар барча соҳада фаол тус олгани таъкидланди.

Жорий йил август ойида Тошкентда Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия мажлиси муваффақиятли ўтди.

Машинасозлик, фармацевтика, энгил ва озиқ-овқат са-

ноати, қишлоқ хўжалиги, туризм каби соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ишбилармон доиралар ва етакчи корхоналар ўртасида алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Кейинги икки ойда мамлакатимизнинг барча ҳудуди вакиллари Беларусга ташриф буюриб, ўз ҳамкорлари билан яқин алоқалар ўрнатди.

Томонлар савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашди.

Президентлар амалий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлигини, бунинг учун интеллектуал, технологик ва бошқа ресурслар, шунингдек, энг муҳими, ўзаро интилиш мавжудлигини таъкидладилар.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия зиммасига ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва яқин йилларда уни бир миллиард долларга етказиш вазифаси топширилди.

Ҳудудлараро алоқаларни янада кенгайтириш, машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, чорвачилик, мева-сабзавотни қайта ишлаш, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқларда кооперацияни ривожлантиришга келишиб олинди.

Қўшма корхоналар ташкил этиш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни учинчи мамлакатлар бозорига экспорт қилиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда атом электр станцияси қуриш лойиҳасини амалга оширишда ҳамкорлик масаласи кўриб чиқилди.

Томонлар маданий-гуманитар соҳадаги шериклик муносабатларини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга келишиб олдилар.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Қўшма баёнотни имзоладилар.

Ташриф доирасида 19 ҳужжат, жумладан, ўзаро савдога қўмаклашиш тизими, са-

ноат мулкни муҳофаза қилиш, божхона ишларида ўзаро ёрдам тўғрисида, фан ва технологиялар, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, тиббиёт, олий таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида битим ва шартномалар имзоланди.

Улар орасида 2019 — 2023 йилларда ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро шартнома ва уни амалга ошириш дастури алоҳида аҳамиятга эга.

Ташриф доирасида ўтган ишбилармонлар ва ҳудудлараро ҳамкорлик форумида умумий қиймати 230 миллион доллардан ортиқ бўлган шартнома ва битимлар имзолангани таъкидланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда давлат раҳбарлари музокаралар очиб ва ўзаро ишонч руҳида ўтгани, унинг натижалари янада мустаҳкам ва кенг қўламли бўлишини қайд этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Беларусь Президентининг сўнгги 24 йилда мамлакатимизга илк расмий ташрифи том маънода тарихий бўлгани, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга кучли суръат бағишлаб, уни сифат жиҳатидан янги, янада юксак босқичга олиб чиқишини таъкидлади.

Беларусь Президенти ушбу ташриф мамлакатларимизнинг ҳамкорликка интилиши муштараклигидан, ҳар икки томон узоқ истиқболга мўлжалланган ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканидан далолат беришини қайд этди.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Александр Лукашенко “Ўзэкспомарказ”да очилган “Беларусда ишлаб чиқарилган” кўргазмисига ташриф буюрдилар.

Кўргазмада Беларуснинг 150 дан ортиқ корхоналари ўз маҳсулот ва хизматлари билан қатнашмоқда. Улар ўз мамлакатининг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, металлургия, кимё саноати, маийш техника, озиқ-овқат, тўқимачилик, тиббиёт, таълим ва бошқа соҳаларда-

ги ютуқларини намоиш этмоқда.

Александр Лукашенко Президентимизга Беларусь иқтисодиёти, унинг асосий тармоқлари салоҳияти ҳақида сўзлаб берди.

Шавкат Мирзиёев Беларусь корхоналари вакиллари билан суҳбатлашди. Мутаассадиларга саноат корхоналари ва ҳудудлар ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича аниқ кўрсатмалар берди.

Давлат раҳбарлари юқори технологиялар соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, жумладан, икки мамлакатнинг инновацион марказлари ва технопарклари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда биргаликда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳимлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Александр Лукашенко Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи ҳудудида ташкил этилган “Амкодор-Агротехмаш” қўшма корхонасининг очилишида иштирок этди.

Умумий қиймати 33 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳа 2018 — 2021 йилларда амалга оширилади. Бугун расман ишга туширилган биринчи босқичда қурилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 12 турдаги экскаваторлар ишлаб чиқарилади. Маҳаллийлаштириш даражаси 2019 йилда 22 фоизга, 2021 йилда камида 50 фоизга етказилади.

Давлатимиз раҳбари маҳсулот турини кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш зарурлигини таъкидлади. Ўзбекистоннинг географик жойлашуви қишлоқ хўжалиги техникаларини минтақамиз мамлакатларига етказиб бериш учун қўлай эканини қайд этди.

Шу ерда қўшма корхонада ишлаб чиқарилган дастлабки экскаваторлар намоиши этилди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот
хизмати сурати.

Марказий Осиё ва Ҳиндистон муносабатларида янги истиқболлар

Форум

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази томонидан Халқаро масалалар бўйича Ҳиндистон кенгаши билан ҳамкорликда “Ҳиндистон — Марказий Осиё” мулоқотининг навбатдаги мажлиси бошланди.

Унда мамлакатимиз ва Ҳиндистон сиёсий ҳамда эксперт доираларининг нуфузли вакиллари, Марказий Осиё давлатларидаги етакчи тадқиқот институтлари мутахассислари қатнашмоқда.

Йўналишда қайд этилганидек, Ҳиндистон Ўзбекистоннинг муҳим ташқи сиёсий ва иқтисодий ҳам-

коридир. Ўзаро муносабатларимиз икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларнинг кўп асрлик тарихига таянгани, сиёсий-дипломатик мулоқотнинг юксак даражаси билан ажралиб туради.

Бугунги кунда Ҳиндистон дунёдаги иқтисодиёти жадал суръатда ривожланаётган давлатлардан

бири саналади. Мамлакатда бакувват саноат базаси ва йирик илмий-техникавий салоҳият шаклланиб бораётган. Айниқса, ахборот технологиялари, тиббиёт ва фармацевтика, энгил саноат тармоқларида Ҳинд ўлкаси етакчи ўринларга кўтарилди. Буларнинг барчаси Марказий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий, молия-инвестициявий ва сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик учун улкан имконият эшикларини очмоқда.

Ҳозир Марказий ва Жанубий Осиёни бир-бири билан боғлай оладиган йирик трансуҳудий

лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун шароитлар яратилляпти.

Яқин келажада Сурхон — Пули-Хумри электр линияси, “ТАПИ” магистраль қувури, Мозори Шариф — Ҳирот темир йўли каби истиқболли коммуникация тармоқлари ишга туширилиши кутилмоқда. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш Афғонистонда ҳаётни изга тушириш, унинг минтақавий савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация алоқаларига жалб этилишига хизмат қилади.



ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН: Хотин-қизлар бизнесида инновацион ёндашув

Такимот

Аёлларнинг бизнесга ёндашуви ҳам ўзгача, яъни юқори дид, нафосат ва самимият билан уйғунлашади. Улар бир ишни бошладими, охиригача олиб боради. Айниқса, бир даврга йиғилиб, ўзаро самарали бизнесни йўлга қўйиш ҳақида гап кетса, демак, янгидан-янги гоё ва ташаббуслар, замонавий стартаплар янада кўпайди, деяверинг.

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида иш бошлаган Ўзбекистон ва Қозоғистон тадбиркор аёлларининг бизнес форуми ҳамда кооперация биржаси ҳусусида ҳам худди шу фикрларни айтиш мумкин. Мамлакатимиз бизнес доиралари тарихида илк бор ташкил

этилатган бундай учрашув самарали тақлифлар ва инновацион ёндашувларга бой бўлди. Хар иккала томон ҳамкорлик қилишга жуда катта қизиқиш билдираётгани ва бу эса ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Қозоғистон Республикаси Давлат қотиби, Президент ҳузуридаги Аёллар ва оила-демография сиёсат миллий комиссияси раиси Г. Абдукаликова бошчилигидаги делегация иштирок этди. Бизнес форумидан кўзланган мақсад қардош халқлар аёлларига бир-бири билан яқиндан танишиш, тадбиркорлик соҳасидаги инновацион янгилликлар билан ўртоқлашишга имкон яратишдан иборат.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Нарбаева 2018 йил Қозоғистонда “Ўзбекистон йили” деб номланган-

ни ва йил бошидан буён давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик янги босқичга қўтарилганини, бу хотин-қизларни ҳам ушбу жараёнда янада фаол бўлиш, самарали бизнесни йўлга қўйишга ундашини эътироф этди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосарининг айтишича, бугун юртимизда Қозоғистон капитали иштирокидаги 230 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Худди шундай Қозоғистонда ҳамкорликдаги 150 га яқин ишлаб чиқариш тармоқлари ташкил этилган.





II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛИ БОШҚАРУВГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

Давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатлари мавжудлиги, айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифалар тақрорланиши, давлат органлари жавобгарлик соҳасининг аниқ чегараси йўқлиги... Булар ҳокимиятнинг ҳаддан ташқари марказлашганлиги натижасида маҳаллий ҳокимиятлар ҳудудлардаги муаммоларни ҳал қилиш, вазиятни яхши тарафга ўзгартириш учун амалда реал ваколат ва ресурсларга эга бўлмаслигига олиб келаётган камчиликлар эди.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Айрим давлат органлари фаолиятининг етарли даражада очик ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг кучсиз механизми аҳоли эҳтиёжлари етарли даражада ўрганилмасдан, ҳисобга олинмасдан қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлаётган эди. Кадрлар билан ишлашда ҳам жиҳддий камчиликлар мавжуд эди, етарли даражада жавобгарлик ва ташаббускорлик етишмас эди. Инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш даражаси ҳам пастлигига қолаётган эди. Давлат-хусусий шериклик механизми тараққий этмаган эди.



2017 йилнинг 8 сентябрида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди. Концепция мамлакатда принципал жиҳатдан янги давлат бошқаруви моделини яратишга қаратилгани билан низоҳатда аҳамиятлидир.

Маъмурий ислохотлар, авваламбор, ресурсларни бошқаришнинг янада самарали тизимини йўлга қўйиш ҳамда давлат органларининг имиджини ошириш мақсадини кўзлаган бўлса, иккинчи томондан, тadbirkorлик соҳасида маъмурий чекловларни қисқартириш ҳамда коррупцияга қарши курашишни кучайтириш ҳисобига мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг кўзайлади. Сифатли менежмент бугунги кун талабига айланмоқда. “Қўл бошқаруви” тизимидан воз кечилиши, пировардида мамлакатга, аяниқса, маҳаллий бизнес, саноатни ривожлантириш учун чет эл инвестициясини жалб қилишга замин яратади. Ижро ҳокимиятини модернизация қилишнинг асосий мақсади давлат бошқарувини инсон эҳтиёжларига, унинг манфаатларини таъминлашга йўналтиришдир. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этганидек, “Халқ

давлат идораларига эмас, давлат идорали халқимизга хизмат қилиши керак”.

Ўтган даврда қандай ишлар бажарилди?

Ақсарият хорижий мамлакатларда маъмурий ислохотлар узоқ муддат давомида амалга оширилган. Ўзбекистонда ушбу ислохотлар аввалбошданок қисқа муддатли истиқболга мўлжалланган. “Йўл харитаси”нинг амалга оширилиши муддати 2017-2018 йилларни қамраб олади. Хозирги кунга келиб, унда режалаштирилган тadbirkorларнинг яримдан кўпи тўлиқ бажарилди.

Биринча ўтган йили давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш соҳасида учта қонун — “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлар, Президентнинг 34 Фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 43 та қарори қабул қилинди.

Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур тузилма жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда ягона давлат сиёсатини

амалга оширади. Айни вақтда давлат хизматлари марказлари фаолият олиб бормоқда.

Агар 2016 йилнинг 1 сентябрида 47 та давлат бошқаруви органи фаолият юритган бўлса, бугун улар сони 62 тага етди. 40 га яқин давлат идоралари фаолияти қайта қўриб чиқилди. Замонавий талаблар инobatта олинган ҳолда, ушбу идораларнинг фаолияти тўғрисида янги низоомлар тасдиқланди. Бу ўзгаришлар давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги, очикилигини оширишга, фуқаролар билан самарали мулоқот ўрнатишга қаратилган. Давлат хизматчиларининг яқиний натижа учун масъулияти ва жавобгарлиги юксалди.

Бундай кенг миқёсда давлат органларини ислоҳ қилиш, очиги, дунё амалиётида камдан-кам қузатишган. Франция ҳукуматида 16, Норвегияда 15, Германияда 14, Нидерландияда 12, Швейцарияда 7 та вазирлик мавжуд. Аммо ушбу мамлакатларда жуда кўплаб давлат тузилмалари вертикал бошқарувга интеграциялашган, яъни муайян вазирлик таркибиде фаолият юритади. Масалан, Буюк Британия ҳукуматида 25 та вазирлик бўлиб, улар таркибига 392 та турли агентлик ва бошқа давлат идоралари қиради.

Мақтабгача таълим вазирлиги тузилгунча болалар боғчалари халқ таълими, соғлиқни сақлаш, бандлик, шунингдек, ҳокимликлар ва бошқа давлат бошқаруви органлари қарамоғида бўлган. Фарзандларимизни мактабгача таълимга қамраб олиш атиги 25 фоизни ташкил қилар эди. Тарбиячиларнинг касбий тайёргарлиги ҳам ота-оналарда ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётганди. Боғчаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам етарлича эътибор қаратилмас эди. Вазирликнинг ташкил этилиши билан вазият тубдан ўзгарди. Нодавлат сектор ҳам ушбу соҳада фаолалишиб, рақобатга киришмоқда.

Ўтган ўн йиллар давомида уй-жой коммунал соҳасида қатор муаммолар тўпланиб қолди. Мамлакатда тураржойларни таъмирлашни назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Ҳар ким ўз билганча иш тутар, хавфсизлик, зилзилабардошликка мувофиқлиги етарли даражада баҳоланмас эди. Бу масалага ўз вақтида муносабат билди-

рилмаса, эртами-кечми, албатта, фожияли ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам тегишли вазирлиқни ташкил этишга қарор қилинди, унинг ҳузурида Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ташкил этилди.

Ҳокимликларнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайди ва ҳудудларнинг молиявий мустақиллиги мустаҳкамланди. Ҳокимлар эндиликда маҳаллий бюджетни мустақил тасарруф этишмоқда, чет эллик инвесторлар билан 10 миллион долларгача бўлган миқдорда шартномалар тузишмоқда. Бу эса ҳокимларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда-

“Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ислохотларни самарали амалга ошириш, одамларнинг янгилашларга дахлдорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли адлия органлари фаолиятига ҳуқуқий маърифатнинг замонавий ва таъсирчан усуллари жорий этилди.”

ги масъулияти ошишига таъсир кўрсатяпти. Ҳокимларимиз бугунги кунда ўзларини “ҳудудлар менежери” сифатида намойиш этиш имкониятига эга.

Имтиёзлар бериш бўйича ҳукумат ва идоралар томонидан қарорлар қабул қилинишига тақик қўйилди. Уч йилдан кўп бўлмаган муддатга чекловлар белгиланди. Мамлакат миқёсида давлат органларини улар назоратидаги корхоналар ҳисобидан молиялаштириш амалиётига барҳам берилди. Мисол учун, “Ўздавнефтегаз” тегишинча “Ўзбекнефтгаз” ва “Ўзбекэнерго” АЖлар фаолиятини назорат қилади. Мазкур давлат идоралари фаолияти эса ушбу акциядорлик жамиятлари томонидан молиялаштирилар эди. Бу эса, табиийки, таъсирчан назорат ўрнатиш имконини бермасди. “Ўздавнефтегаз” тегишинча “Ўзбекнефтгаз” ва “Ўзбекэнерго” АЖлар фаолиятини назорат қилади. Мазкур давлат идоралари фаолияти эса ушбу акциядорлик жамиятлари томонидан молиялаштирилар эди. Бу эса мазкур давлат идораларининг молиявий мустақиллигини кучайтириб, уларга самарали назоратни амалга ошириш имконини берди.

Бундан ташқари, идоралараро коллегиял органларнинг фаолияти ҳам бутунлай қайта қўриб чиқилди. Жумладан, давлат раҳбари қарори билан 81 идоралараро коллегиял орган тугатилди, 25 таси оптималлаштирилди.

Адлия вазирлигининг бу борадаги роли қандай?

Адлия органлари фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Президентимиз ҳамда ҳукуматнинг нотариат, ФХДЁ идоралари, адвокатура, давлат хизматлари ва юридик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича 25 та Фармон ҳамда қарори қабул қилинди. Туман ва шаҳарларда адлия бўлимлари ташкил этилди. Бу эса мамлакатнинг олис манзиллари билан мулоқотни мустаҳкамлаш, ҳудудларнинг, одамларни ўйлантис-

эксперимент тариқасида пойтахтимиздаги бозорлардан бири ижроия органи функцияси тadbirkorнинг ишончли бошқарувига берилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ислохотларни самарали амалга ошириш, одамларнинг янгилашларга дахлдорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли адлия органлари фаолиятига ҳуқуқий маърифатнинг замонавий ва таъсирчан усуллари жорий этилди. Бу борадаги ишлар манзилли, аҳолининг турли тоифалари манфаатларини инobatта олган ҳолда бажариляпти. Масалан, интернетдаги, оммабоп ижтимоий тармоқлардаги фото, видео ва матнли материаллар кўпроқ ёшларга қаратилган. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги марказий аппарати таркибиде янги бошқармалар ташкил этилди.

Илмий салоҳиятни ривожлантириш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузурида Ҳуқуқий сиёсат тadbirkor институти очилди. У қонунчилик соҳасида илмий-амалий тadbirkorлар билан шугулланади. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги роли ва ўрнини оширишда юқори малакали халқаро юристларни тайёрлаш жуда катта аҳамият касб этади. Тошкент давлат юридик университетида Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази тузилди. Биз ташкил жараёнига етакчи хорижий экспертларни жалб қиляпмиз. Мамлакатимиз ҳудудларида юридик коллежлар очилди.

Қачон натижа беради?

Маъмурий ислохотлар — узлуксиз жараён. Ўтаётган ҳар қунимиз давлат аппарати зиммасига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Бунга эса тезкорлик билан жавоб қайтармоқ лозим. Аммо янгилашлар, жумладан, маъмурий ислохотлар натижалари ҳар биримизнинг фаол гражданилик позициямиз, ўзгаришларга қўшаётган ҳиссамизга узвий боғлиқдир.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида ислохотларнинг ҳозирги босқичи 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган. Жараён ҳали тугамаган бўлса-да, кенг қўламдаги ишлар бажарилди. Бугун барча давлат қарорлари, энг аввало, аҳоли манфаатлари йўлида қабул қилинишига эришилди.

Маҳмуд ИСТАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси адлия вазирини ўринбосари.

ЖИНОЯТГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТИ

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари мамлакатимиз тинчлиги ва халқимиз оёсийишталлигини таъминлаш йўлида барча имкониятни ишга солмоқда. Натижада охириги икки йил ичида умумий жиноятчилик сезиларли даражада қамайди. Жорий йилнинг 6 ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13599 та жиноят кам содир қилинди ёки бу 38,67 фоизни ташкил этди. Аммо қотиллик, баданга оғир тан жароҳати етказиш, номулса тегиш, босқинчилик, ўғрилик, талончилик, фирибгарлик, йўл-транспорт ҳодисалари ва бошқа жиноятлар қамайгани ҳолда, уларнинг айримлари кўпроқ оилавий муносабатлар боис содир этилаётгани, яъни ота-бола, қайнона-келин, ака-укалар бири-бирининг қотилига айлиниб қолаётгани аянчлидир. Бу Ватани ва фарзандлари келажагига бефарқ бўлмаган ҳар қандай кишини ташвишга солади.

Ҳўш, бунинг сабаблари нимада, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қандай чоралар кўрилмоқда? Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи Қўтбидин БУРҲОНОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— БМТ маъмулиотиға кўра, 2030 йилга бориб, дунёдаги миллионер шаҳарлар сони қарийб 700 тага етиши, Ер юзи-



да қашшоқлик ҳамда жиноятчилик ўсиши кутилмоқда. Шунинг ўзиёёқ ҳар бир онгли одамни хўшёрликка ундаши, шўбҳасиз, — дейди К. Бурҳонов. — Шу маънода, жорий йил 27 июль куни Президентимиз раислигида ўтказилган жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати,

бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идоралари масъулиятини янада ошириш, тизимдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида айтил-

ган танқидий фикрлар биз учун оғоҳлик кўнғироғи бўлиб жаранлади, таъбир жоиз бўлса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, умуман, бутун халқимизни мудроқликдан ўйғотди.

— Нима, унғача жиноятчилик билан боғлиқ мавжуд вазиятни ҳеч ким билмаганими ёки била туриб,

соҳага оид 80 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинди. Шулар асосида тизим фаолиятини янада кучайтириш, таркибий тузилмаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш, хизматни тўри ташкил этиш чоралари қўриляпти. Бошқача айтганда, умрини ўтаб бўлган тузилма ва механизмлардан воз кечилиб, ўрнига янгилари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Масалан, илгари барча ходимларнинг 60 фоизи шаҳар ва туман даражасида фаолият олиб борган бўлса, ҳозир 35 фоизи идораларда, қолгани аҳолига яқин бўлиши учун ички ишлар органлари қуйи тизимларида ишламоқдалар. Муҳими, бу ўзгаришлар ўз самарасини бера бошлади.

Давлатимиз раҳбари кўрсатмаси билан ички ишлар вазирини П. Бобожонов раҳбарлигидаги ички гуруҳ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ички ишлар органлари фаолиятининг юрти-

мизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга нечоғлиқ мувофиқлигига баҳо бериш мақсадида ўрганиш ўтказилди. Бу жараёнда мазкур ҳудудлардаги шаҳар-туманлар ҳамда соҳавий хизматлар ходимлари билан суҳбатлар ўтказилиб, улар фаолияти атрофида кўриб чиқилди.

Фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўйган вилоят, туман ва шаҳар раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда хизмат раҳбарлари ҳисоботлари эшитилиб, ишни бугунги талаб даражасида ташкил этиш

бўйича топшириқлар берилди. Айни чоғда камчиликка йўл қўйган ички ишлар органларининг баъзи раҳбар ходимлари лавозимидан озод этилди, айримларига интизомий таъсир чоралари қўрилди.

Ишчи гуруҳ томонидан мавжуд вазиятни ўрганиш ишлари ҳудудларда давом этирилмоқда.

— Профилактика инспекторларидан умид қатта эди. Шунинг учун уларга ўзлари хизмат қилаётган фуқаролар йиғини ҳудуддан уй-жой ҳамда машиналар берилди. Аммо...

— Мамлакатимиздаги 9 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида профилактика инспекторлари фаолият олиб бормоқда. Айтаётганидек, уларга хизмат уйлари ва автомобиллар берилган. Тан олиш керак, улар орасида ўз бурчиға садоқат кўрсатиб, хизмат қилаётганлари кўп. Масалан, пойтахтимиз маҳаллаларидан бирига хизмат кўрсатувчи ходим қатта босимдаги



БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

муаммоларга ечим топишда муҳим ўрин тутати

иссиқ сув қувури ёрилганда одамларни ҳимоялаш учун ўзини воқеаи марказига уради ва қаттиқ тан ҳароҳати олади, иккинчи халатда яна бир инспектор маҳаллага келиб қолган шўбҳали одам билан олишиб, фидойилик, керак бўлса, қаҳрамонлик кўрсатиб. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Шунга қарамай, афсус деймиз, ҳамон хизмат бурчи мақсад-муддаосини тўлиқ англаб етмаган профилактика инспекторлари ҳам бор.

— Уғрилик, фирибгарлик, талончилик ва босқинчилик жиноятлари содир бўлишида профилактика, жиноят-қидирув баробарида, қўриқлаш хизматининг ҳам айби қатта...

Хусусан, “Хавфсиз хонадон” режаси ишлаб чиқилиб, амалиётга кириляпти. Натижада бир ҳафта ичида 400 дан зиёд хонадонлар ва бир қатор ташкилотлар қўриқлашга олинди. Тошкент шаҳрида йўлга қўйилган интеграллаштирилган қўриқлаш тизимлари ва инновация қўриқлаш моделини бутун республикамиз бўйича татбиқ этиш устида ҳам иш олиб бориляпти. Беларусь Республикасининг мазкур йўналишдаги тажрибасини ўрганиш мақсадида яқинда делегациямиз ушбу давлатга юборилади. Яна бир янгилик: аҳоли ҳамда тadbirkorларга қулайлик яратиш мақсадида “ташвиш” тугмаси бўйича хизмат кўрсатиш нархи 50 — 60 фоиз арзонлаштирилди.

— Қачон жиноятнинг илдизига етиб борилади?

— Гапнинг очиги, биз ҳозир ҳам жиноятчиликнинг олдини олишдан кўра, оқибатини бартараф этиш билан кўпроқ машғул бўлиб қоляпмиз. Бунга фақат ички ишлар органлари кучи

етади, десак, ўзимизга юқори баҳо берган бўламиз. Яъни жиноятнинг олдини олиш, унинг туб илдизига етиб бориш учун барча — маҳалла фаоллари, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар, умуман, давлат ва жамоат ташкилотлари, бутун аҳоли бир ёқадан бош чиқариб ишлаши керак. Қачонки “Бу воқеанинг менга умуман алоқаси йўқ, ким айбдор бўлса, жавобни ҳам ўзи берсин!”, деган салбий қарашдан онгимизни тозалаб, ҳар бир ҳодисага “фавқуллодда ҳолат” сифатида қарашни ўргансак, ана шунда қутулган натижага эришамиз.

— Ҳал этилиши зарур бўлган яна қандай вазифалар бор?

— Вазифалар кўп. Йилига 600 мингдан зиёд йиғит-қизлар мактаб, лицей ва коллежларни битиради ва уларнинг 10 — 15 фоизи олий ўқув юртиларига қиради. Қолгани-чи?! Уларга муносоиб шaroит яратиш, яъни “Yoshlar — kelajajimiz” Давлат дастурини изчил амалга ошириш ҳамда уйма-уй юриб, ёшлар билан суҳбатлар ўтказиш, уларнинг орзу-мақсадини билиш орқали Дастурнинг тўлиқ ижросини таъминлашимиз айна муқдодир.

Хайдовчи ва пиёдаларнинг билим-кўникмалари, қонунга итоаткорлик ва бошқа йўл ҳаракати иштирокиларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш ҳам ўта долзарб ҳисобланади. Шунга мис равишда йўл белгиларини хатловдан ўтказиш ва замонавий қопламаларига алмаштиришининг ҳам аллақачон вақти келган.

Умуман, олдимизда турган вазифалар улкан. Бунга эришиш учун соҳа ходимларидан бурчга садоқат ва фидойилик кўрсатиш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш талаб этиляпти.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
суҳбатлашди.

«Ўзмиллийбанк»: ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ БЎЙИЧА ЛОЙИХАЛАР

мамлакат тараққиётига хизмат қилади



“Ўзмиллийбанк” ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётнинг деярли барча тармоғида амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Булар ер ости бойлиқларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, кимё ҳамда тўқимачилик саноати, туризм, темир йўл ва ҳаво транспорти, алоқа, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик сингари кўплаб соҳаларга тегишлидир.

Хорижий кредитларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида банк халқаро молиявий ташкилотлар, чет эл банклари ҳамда банк тузилмалари билан ҳамкорликни кенгайтириб бормоқда. Қолаверса, сармояларни мақсадли йўналириш орқали самарадорликни ошириш устида ҳам иш олиб борилапти. Бунда молиялаштириш учун мўлжалланган лойиҳалар ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳага қанчалик кўпроқ фойда бериши эътиборга олинади.

Мисол тариқасида “Ўзметкомбинат” АЖда ферросиликомарганец ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасини келтириш мумкин. Ҳўш, унинг моҳияти нимада? Маълумки, “Ўзметкомбинат” АЖ мамлакатимиздаги йирик металлургия корхонаси бўлиб, унинг маҳсулотлари энг муҳим объектиларга етказиб берилиши билан бир қаторда, Қозоғистон, Афғонистон, Эрон каби давлатларга экспорт ҳам қилинади. Комбинат фаолиятидаги устувор йўналиш металл прокати ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашдан иборат. Шу боис корхонада техник қайта жиҳозлаш, реконструк-

ция қилиш, босқичма-босқич модернизациялаш, амалиётга янги технологияларни жорий этиш ишлари олиб боришмоқда.

Мазкур йўналишдаги ишлардан қутилаётган натижалардан бири — импортни қисқартириш. Жумладан, пўлатнинг янада қаттиқ ва мустаҳкам, зарбаларга

қўра, ушбу ферроқотишмани республикаимизнинг ўзида ишлаб чиқариш имконияти мавжуд экан, бунинг учун яхшигина захира ҳам бор.

Ферросиликомарганец олиш учун асосий хом ашё марганец рудаси бўлиб, у Қашқадарё вилоятидаги Дауташ конида қазиб олинади. Бир йилда 10 минг тонна ферросиликомарганец ишлаб чиқариш учун 18,7 минг тонна марганец концентрати талаб этилади. Дауташ конидаги захиралар эса 1,2 миллион тоннага яқин, руда таркибидаги марганец ўртача 22 фоизни ташкил қилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Ферросиликомарганец ишлаб чиқаришда ишлатиладиган темир қириндиси “Ўзметкомбинат” АЖ таркибига кирувчи “Ик-киламчикораметалл” корхонасининг қора металл қайта ишлаш цехларидан келтирилиши мумкин. Металл эритиш жараёнида кремнийни қайта тиклаш учун керак бўладиган қўшимча хом ашё сифатида кварцит ишлатила-

бўлмади. У электр пўлат эритиш цехининг оҳактош куйдириш участкасидан келтирилади. Участка янги қурилаётган цехга жуда яқин, бир километр масофада жойлашган. Керакли моддалардан фақат кокс республикаимизда йўқ, уни импорт қилишга тўғри келади. Коксни Россиядан келтириш масаласи олдиндан ҳал қилинди.

Лойиҳани амалга ошириш Ўзбекистонда мавжуд фойдали қазилмалар ва

маблаг келиб тушади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 23,84 миллион доллар эквивалентида. Унинг манбалари сифатида “Ўзметкомбинат” АЖнинг ўз маблаглари ҳамда “Ўзмиллийбанк” томонидан қайта молиялаштирилган Корея Республикаси Экспорт-импорт банкининг 5,71 миллион доллар миқдоридagi кредитидир.

Яна бир неча кўрсаткич:



бошқа маҳаллий захираларни қайта ишлашни чуқурлаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, бошқа афзалликларга ҳам эга. Масалан, “Ўзметкомбинат” АЖда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали нафақат у, балки бошқа корхоналар ҳам валютани тежаш имконига эга бўлади. Мамлакатимиздаги “Навоий машинасозлик заводи” ИЧБ, Марказий таъмирлаш-механика заводи, “Тошкент кукур заводи” МЧЖ ҚҚ ва бошқа субъектлар ҳам йилга ўртача минг тонна ана шундай ферроқотишмаларни четдан келтиришди.

Бундан ташқари, энди уч минг тоннага яқин ферросиликомарганецни экспортга жўнатиш режалаштирилмоқда. Янги “Ўзметкомбинат” АЖ нафақат валютани тежайди, балки валюта ишлаб ҳам топади. Янги ишлаб чиқариш қувватида 150 кишининг бандлиги таъминланади. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга қўшимча

инвестициявий лойиҳа 17 йилга мўлжалланган бўлиб, 2018 — 2034 йилларда амалга оширилади ва натижада маҳсулот сотишдан 84 миллион доллардан зиёд даромад олиш кўзда тутилмоқда. Унинг 46,44 миллион долларни экспорт, 37,63 миллион доллари эса маҳсулотни ички бозорга етказиб бериш ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бирга, “Ўзметкомбинат” АЖ импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш йўли билан ўз валюта маблагларининг 203,3 миллион долларини тежаб қолиши тахмин қилинмоқда.

Бу “Ўзмиллийбанк” томонидан молиялаштирилган, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва рақобатдошлигини оширишга қаратилган лойиҳалардан фақат биттаси, холос. Бундай лойиҳалар оз эмаслиги эса қувонарлидир.

Собир АЛИЕВ.

«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати кўмағида тайёрланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқаролар диққати! «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ТРАНСПОРТ МАГИСТРАЛИ ТАРМОҚЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ МАРКАЗИ»

АХОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭХТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУХОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СУРАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ, магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчилик билан қўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасига қудуқлар қазих, шурф қурилиш ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли-туман чқиндиқлар ташлаш, қислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш **КАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазих, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ҳамда бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ХУШЁР ВА ЭХТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратсиз ер қазих, ер текислаш, тупроқ олиш ҳамда бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.



ЭСДА ТУТИНГ! Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазих ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Транспорт магистралли тармоқларини эксплуатация қилиш маркази»нинг ҳудудий техник боғламаларига ёки магистраль алоқа кабелли трассаси белгисига кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи техник боғламалар ва уларнинг алоқа участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:

«ТМТЭКМ» Биринчи техник боғламаси Тошкент ш., Қозитаров к., 29-уй	99-846-84-04, 858-84-04 (0-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) (0-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи линия кабель цехи Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй	99-871-19-40
Иккинчи линия кабель цехи Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй	99-833-19-32, 890-19-31 (0-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00)
Тошкент шаҳар кабель участкаси Хўштега 4-тор к., 4-уй	99-830-19-34
Пахта кабель участкаси Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй	99-869-19-36
Учинчи линия кабель цехи Нуратоли ш., Спорт к., 45-уй	99-858-06-80, 893-19-37
Ангрен шаҳар кабель участкаси Амир Темур к., 2-уй	99-871-02-68
Бекobod шаҳар кабель участкаси Х. Ходжимуратов 2-берк к., 18-А-уй	99-871-06-64
«ТМТЭКМ» Иккинчи техник боғламаси Кўхон ш., Янги Чорсу к., 264-уй	99-365-03-79, 365-03-84 (0-373) 554-42-42 (соат 8.00 — 17.00) (0-373) 542-34-17, 542-21-66 (0-373) 529-24-55 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи кабель участкаси Янгийўл ш., Чустий к., 1-уй	90-556-05-58, 99-365-03-48
Иккинчи кабель участкаси Бешарик ш., Сидарлар к., 9-уй	(0-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) 99-365-03-44, 365-03-46
Учинчи кабель участкаси Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминара	(0-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00)
Тўртинчи кабель участкаси Андижон ш., Чўпон к., 9-уй	99-323-60-68, 324-90-08 (0-374) 223-83-81 (соат 8.00 — 17.00) 99-900-09-45, 900-09-35
«ТМТЭКМ» Учинчи техник боғламаси Гулистон ш., Мирзаобод тумани, Пиллакор кўрғони	99-475-00-05, 474-10-09 (0-367) 227-16-20 (соат 8.00 — 17.00)
Техник хўжалиқлар гуруҳи	99-473-97-99, (0-367) 225-49-05, 227-00-44
Гулистон биринчи кабель участкаси Гулистон ш., Мирзаобод тумани, Пиллакор кўрғони	99-474-11-49, 470-50-04
Жиззах иккинчи кабель участкаси Жиззах ш., Халқлар дўстлиги к., 9-уй	(0-372) 222-95-07 (соат 8.00 — 17.00) 99-474-60-63, 475-95-99
«ТМТЭКМ» Тўртинчи техник боғламаси Булунгур ш., Самарқанд к., 18-уй	99-599-01-99, 599-99-00, 599-01-66 (0-366) 240-08-34 (соат 8.00 — 17.00) (0-366) 442-68-15, 240-08-33
«ТМТЭКМ» Бешинчи техник боғламаси Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй	99-707-05-54, 707-47-07 (0-365) 221-81-96 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи кабель участкаси Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй	(0-365) 221-93-72, 221-81-92, 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00), 99-707-60-15
«ТМТЭКМ» Олтинчи техник боғламаси Нукус ш., Ашқобод к., 1-уй	99-954-86-86, 955-08-78 (0-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00)
Нукус кабель участкаси Нукус ш., Ашқобод к., 1	99-955-11-53, 955-68-19
Беруний кабель участкаси Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси	99-955-43-84, 955-43-86
Қўнғирот кабель участкаси Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси	99-955-43-67
Жаслик кабель участкаси Қўнғирот тумани, Жаслик аҳоли пункти, Тулей стан-си	95-601-05-28,
«ТМТЭКМ» Еттинчи техник боғламаси Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй	99-675-11-02, 678-88-20 (0-376) 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00)
Термиз биринчи кабель участкаси Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй	99-675-25-64, (0-376) 223-13-85 (0-376) 224-07-65, 99-378-01-64 (0-376) 413-17-71, 224-22-11, 223-15-34
Денов иккинчи кабель участкаси Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй	99-665-05-41, 665-52-62 (0-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00) (0-375) 221-17-25, 99-660-05-23
«ТМТЭКМ» Саккизинчи техник боғламаси Қарши ш., Хўснобод к., 1-уй	95-505-05-13, 99-660-05-12 (0-375) 552-11-67
Қарши биринчи кабель участкаси Қарши ш., Хўснобод к., 1-уй	99-965-52-55, (0-362) 223-36-58, 99-965-28-78, 965-28-38 (0-362) 224-51-69 (соат 8.00 — 17.00), 95-602-18-02
«ТМТЭКМ» Тўққизинчи техник боғламаси Урганч ш., Дўсов к., 2-уй	95-603-07-38, (0-436) 224-74-21, 99-750-08-38, 750-06-88, 756-55-99
«ТМТЭКМ» Учинчи техник боғламаси Навоий ш., Садоқат к., 2-Б-уй	99-750-02-42, (0-366) 455-24-54
Биринчи Каттакўрғон кабель участкаси Каттакўрғон ш., Чағанқоқ қишлоғи	95-603-33-25
Иккинчи Ғиждувон кабель участкаси Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи	99-750-02-32, (0-436) 593-09-35 95-603-31-32, 99-610-69-89
Учинчи Учқудуқ кабель участкаси Учқудуқ ш., ДУУ кўрғони	
Тўртинчи Нурота кабель участкаси Нурота ш., Ш. Рашидов к., 32-уй	

Ташкилотлар раҳбарлари диққати!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

отлиқ отряд учун қўйидаги анжомларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

эгар тўплами (эгар, қоринбоғ, узанги, путилище (эгарга узангини олиб қўядиган тасма), юган, нўхта, терлик (тўқим тагига солинадиган намат), пошнага тақиладиган темиртепки, ортопедик вальтрапплар, темиртепки тасмаси, узун тизгин, от ёниги (қишки), отлар учун бинтлар тўплами (оддий, хирургик, елимли ва бошқалар), занжирли тизгин (чумбур цепной), сули солиш учун тўрва-халта, от учун чўтка, от қашлагич, қайиш асбоби, болғалаш (темирчи) инвентари, тугмали қўнж (хром чармдан), тақалар, тақа учун михлар, от учун пластик-кевлардан тайёрланган ҳимоя воситаси тўплами, махсус костюм, резина этиклар.

Талабгорлардан танлов савдоларида қатнашиш учун тижорат тақлифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Маълумот учун ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача қўйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: (0-371) 281-43-72.

«ELXOLDING»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИЗДА ЧЕГИРМА

15 500 000 СЎМ

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел.: (+99893) 330-50-00, (+99871) 239-88-58.

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

ЮК ТАШУВЧИ МОТОЦИКЛЛАР

Чегирманинг амал қилиш муддати — 2018 йил 30 сентябргача.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзқонлар (0-371) 232-11-15.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Апурова.
Мусахҳих — О. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.00 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5 6